

**“ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУВ ТАЪМИНОТИ” МЧЖ**

**Жиззах шаҳар булими**

Бюджет ташкилотлар билан ичимлик  
суви етказиб беришва оқавасув  
хизматлари курсатиш тугрисида

№ 28 сонли

## **ШАРТНОМА**

**Жиззах 2022 йил**

Тариф (ККС ва Махсус устама ҳақ билан)  
 Сув 1 м<sup>3</sup> 4075 сўм  
 Окова 1 м<sup>3</sup> 1775 сўм

**ИСТЕМЧИЛАРГА СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОКОВА СУВНИ ЧИҚАРИШ  
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

28. -СОНЛИ ШАРТНОМА

«12» 01 2022 й.

Ушбу шартнома Сув таъминоти корхонаси, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи  
 Тилавов Норматив шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истемчил” деб юритилувчи  
 директор Жез Н.Н. Академик Шайхов асосида иш олиб борувчи  
 иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. 20 \_\_\_\_йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матинда II гурӯх истемчилари деб юритилади) учун сув етказиш 5850 нарх бўйича 9102,56. м<sup>3</sup>ни:  
 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%) + 4075 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил килмоқда  
 1 м<sup>3</sup> окова сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%) + 1775 сўм (махсус устама ҳақ)  
 Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 23999976 = сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)  
 Шу жумладан, бюджет маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан  
 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурӯх истемчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги оркали сув таъминоти ва окова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемчил»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф қийматида (ККС ни хисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истемчил» ўрнатилган муддатлар ичida “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истемчиларга сув таъминоти ва окова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиши Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда Жиззах вилоят хокимининг 2019 йил 20 апрелдаги № 170-сонли карорига, мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун 50 сўм, 1 м<sup>3</sup> окова сув хизмати учун 50 сўм маҳсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва окова сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истемчил» ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истемчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим киласи, “Таъминотчи”ни ўз вактида сув ўтказиш-окова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор киласи.

**II. Умумий қоидалар**

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катвиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истемчил (суб-истемчил)ларнинг хўжалик-истемол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истемчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемчининг тарморқларидан сув олиб, окова сувларини “Истемчининг” канализацион тармокларига ўтувчи суб-истемчилар сув таъминоти ва окова сувини чиқариш шартномасини “Истемчил” билан тасдиқланган “Коидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни хисобга олиш асборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агнетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини хисобга олиш ускунасини ениш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истемчил”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва “Истемчил” билан келишилади. Хисоблаш курилмас учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килинганда, “Таъминотчи” сув ўлчаш тармоғини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш курилмаларини ишга тушириш, хисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемчиларнинг уланиши Истемчил томонидан фактат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истемчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни ишга тузади. Истемчил “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истемчил” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошка меъёрий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиши лойиҳаси ишлаб чикилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истемчил” ва курилиши ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш кисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулнят чегараси (сув ва окова тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истемчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истемоли учун узатиш тармоғининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириши истемчининг ички сув узатиш тизимининг бир кисмидир;



6.3.6. "Таъминотчи" нингсув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган холатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўгинидаги кўйилган химоя коплпмига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва окова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрантлари ва хонадон кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилганхолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга кадар хисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу хақда маълум бўлган санагача, agar "Таъминотчи" балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зару. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатта берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойхиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. "Истемолчи" коммунал сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш тармокларига уланиш санаси хакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким қарори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдикланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга хаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул килинган окова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар оркали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истемолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечикирилган тўловнинг хар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истемолчи" хисоб раками бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси оркали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кеинги ой хисобига ўўшилади. Агар "Истемолчи" икки хафта муддат ичида тўловни амалга ошириласа, "Таъминотчи" хеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беринши ёки окова сувларни чиқариб юборишни ундирамагунга кадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай холларда ёнгидан сакланиш ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истемолчи" зиммасига юқлатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариши тизимида илгари узиб кўйилган холларда кайта улашда II гурӯх истемолчиларидан энг кам ойлик иш хакининг 10 (үн) баробар микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш оркали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш окова сувларини "Истемолчи" лар томонидан ташлаш тартиби **Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонлиқ қарори** билан тасдикланган "Ишлаб чиқариш окова сувларини кабуз килиш коидалари" хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа ахоли пунктларининг коммунал канализация тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганилиги учун "Истемолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирулувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганилиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби холатлар) тўғрисида "Истемолчи"га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истемолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал килинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига мувофик Тошкент шахар туманлараро иктиносидой судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор холатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилк килса, томонлардан бири шартномани бекор килиш хукукига эга.

## IX. Шартноманинг амал килиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал килади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИЛЛАРИ:

JIZZAX POLITEKHNIKA INSTITUTI  
AKADEMIK ENSEYI

Истемолчи

MANZIL: JIZZAX SH, I.KARIMOV K. 4-AUY

HR-1000108600084014032500075002

Номта манзили:

STIR-202 566 626

OKONX-92120

Фонд: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

КР. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ХР. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Банк: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Банк: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

МФО: 2340 2000 3001 0000 1010

СТИР: STIR-201 122 919

ХХНУ: 00001

Рахбар:

Рахбар:

Хукукшунос:

Хукукшунос:

Таъминотчи

"Жиззах сув таъминоти" МЧЖ

Жиззах шахар булими

Почта манзили: Жиззах шахар

Ш. Рашидов 115-й

Тел: (72) 226-07-47, (72) 226-06-27

Х/р: 2263 8000 1003 0453 3331

Банк номи: Ипотека банки

Жиззах вилоят филиали

МФО: 00122

СТИР: 200345016

ХХНУ: 190213

Рахбар

Хукукшунос